



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА СУД ҲОКИМИЯТИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ.

*Тошкент шаҳар фуқаролик ишлари бўйича
Учтена туманлараро судининг судьяси
Худайбердиева Хабиба Валиевна*

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда суд ҳокимиятининг ўрни ва аҳамияти ёритилади. Сўнги йиллардаги суд-ҳуқуқ ислохотлари қонунийликни таъминлаш, одил судловга ишончни кучайтириш ва коррупцияга қарши курашишда суд тизимининг ролини оширишга қаратилганлиги таъкидланади.

Аннотация: В статье раскрывается роль и значение судебной власти в борьбе с коррупцией в Республике Узбекистан. Подчеркивается, что судебно-правовые реформы последних лет направлены на обеспечение законности, укрепление доверия к правосудию и повышение роли судебной системы в противодействии коррупции.

Abstract: The article highlights the role and significance of the judiciary in combating corruption in the Republic of Uzbekistan. It emphasizes that recent judicial and legal reforms are aimed at ensuring the rule of law, strengthening public trust in justice, and enhancing the role of the judicial system in the fight against corruption.

Калит сўзлар. Коррупция, одил судлов, коррупцияга қарши курашиш, интерактив хизматлар, юридик субъект.

Сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари мазмун-моҳиятида қонунийликни таъминлаш, фуқаролар,



тадбиркорлик субъектлари ва инвесторларда одил судлов ҳамда ижтимоий адолатга нисбатан ишонч ҳиссини яна-да кучайтириш устуворлик касб этмоқда. Бу борада суд ҳокимиятининг жамиятда коррупцияга қарши курашишдаги ўрнини ошириш ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётганлигини қайд этиш жоиз.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони билан Коррупцияга қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий Кенгаши таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси киритилган.

Ўз навбатида, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан Олий суд ва Судьялар Олий кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик Меморандумлари имзоланган. Ҳамкорлик самараси сифатида Республикада коррупцияга оид, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларига ва халқаро имижига зарар етказувчи жиноятларни тергов қилиш натижалари доимий тарзда комплекс таҳлил қилиб келинмоқда.

Бундан ташқари, коррупциянинг олдини олиш ва шаффофликни таъминлаш мақсадида суд тизими жадаллик билан рақамлаштирилмоқда. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг my.sud.uz интерактив хизматлар порталида судга онлайн ариза юбориш, қўрилаётган ишнинг ҳолатини онлайн кузатиб бориш, суд хабарномасини онлайн олиш, суд мажлиси жадвалидан хабардор бўлиш, суд ҳужжати намунасини олиш ва яна бир қанча хизматлар яратилган. Ушбу хизматлар аҳоли ва юридик субъектларнинг судга мурожаат қилишини осонлаштирмоқда ва натижада судга мурожаат қилишга нисбатан чекланишнинг олдини олмоқда. Кузатиб



бориш институти эса тизимни шаффофлаштириб, мурожаатчилар ва аҳолида судга ишончни таъминламоқда. Шаффофлик таъминланиши натижасида коррупциянинг олдини олишга ҳам эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги "Коррупцияга қарши мурасимсиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги" ПФ-6257-сон фармонида асосан Ўзбекистон Республикаси Олий судига коррупцияни олдини олиш мақсадида бир қанча вазифалар юклатилган. Булар:

- коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри юритилишини йўлга қўйиш;
- коррупциянинг олдини олиш ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларини бартараф этишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш;
- коррупцияга қарши қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси айрим нормаларини имплементация қилиш;
- коррупция давлат ва жамият тараққиёти учун энг жиддий хавф-хатарлардан бири эканлигини аҳоли ва давлат хизматчилари онгига сингдириш;
- коррупцияга оид жиноятлар бўйича кўрилган суд ишлари тўғрисидаги статистик маълумотларнинг очиқлигини таъминлаш.

Бундан ташқари сўнги йилларда аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ва суд ишларида сифатни таъминлаш мақсадида адвокатлик институтига ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасига Президентининг 21.04.2025 йилдаги "Коррупцияга қарши



курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисидаги" ПФ-71-сон фармонида Олий суд фуқароларга сифатли юридик ёрдам кўрсатилишида адвокатлар фаолиятига тўсқинлик қилаётган омилларни бартараф этишга қаратилган қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши белгиланган.

Юқорида келтирилган вазифалар Олий Суд томонидан тизимли бажариб келинмоқда. Қилинган ишлар натижаси ўлароқ аҳолининг ҳуқуқий онги ошмоқда, судларда ишларни адолатли ҳал қилишга эришилмоқда, чиқарилаётган қарорларнинг сифати ошмоқда. Тизимда шаффофлик таъминланиши натижасида коррупциянинг олдини олиниб, аҳолининг суд тизимига ишончи ортмоқда.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасига Президентининг 21.04.2025 йилдаги ПФ-71-сон Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.07.2021 йилдаги ПФ-6257-сон Фармони.
4. Lex.uz интернет сайти.